

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 169-170 (11.730-11.731)

Баҳоси эркин нарҳда

МАҚСАДИМИЗ – ЁШЛАРИМИЗ ҚАЛБИДА БУЮК КЕЛАЖАККА ИНТИЛИБ ЯШАШ ТУЙҒУСИНИ МУСТАҲКАМЛАШДАН ИБОРАТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 29 август куни истиқлолимизнинг ўн тўққиз йиллиги арафасида пойтахтимизда қуриб битказилган таълим муассасалари билан танишди

Мустақиллигимизнинг ҳар бир йили юртимиз тарихи саҳифаларига улкан бунёдкорлик, юксак муваффақиятлар йили сифатида зарҳал ҳарфлар билан битилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилаётган замонавий таълим, маданият, санъат, тиббиёт муассасалари, корхоналар, уй-жойлар, равион йўллар ва кўприкларни қўрган кўз қувнайди, юракда фахр-ифтихор ҳисси ортади.

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан баркамол авлоднинг тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Фарзандларимиз баркамол, замонавий билимларни пухта эгаллаган, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлиб воғда етиши йўлида доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда.

Инсоннинг руҳий-маънавий камолоти, тафаккурининг ривожланишида санъатнинг, муסיқанинг ўрни ва аҳамияти ғоят каттадир. Шу маънода ёшларимизнинг маънавиятини юксалтириш, уларни теран тафаккур, эзгу фазилатлар соҳиблари этиб тарбиялашда, қалби ва онгида она Ватанга муҳаббат, миллий анъана ва қадриятларимизга садоқат туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришда муסיқа санъатининг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Давлатимиз раҳбарининг болалар муסיқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкам-

лаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурига оид қарори фарзандларимизнинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, уларнинг миллий ва жаҳон муסיқа маданиятининг энг сара намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароит яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ бу йўналишдаги ишларнинг қўламини янада кенгайтирди.

Президентимиз Ислам Каримов 29 август куни В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган муסיқа академик лицейининг капитал реконструкция қилинган ўқув биносини бориб кўрди.

Иқтидорли ёшларни ҳар томонлама камол топтиришни таъминлаш, бошланғич ихтисослаштирилган муסיқа таълимини янада такомиллаштириш ҳамда шу асосда муסיқа маданияти ва санъат соҳасида юқори маҳоратли кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ жорий йилда лицей учун яна битта янги ўқув биноси барпо этилди, собиқ Республика муסיқа коллежининг биноси негизидаги ўқув корпуси тубдан қайта таъмирланди.

Ушбу муסיқа даргоҳи эндиликда 900 ўқувчига мўлжалланган 4 ўқув



биноси, 200 ўринли ётоқхона ва 210 ўринли 3 ошхонага эга бўлди. Барча ўқув хоналари 64 номдаги замонавий муסיқа чолғулари ва жиҳозлари билан таъминланди. Лицей муסיқий таълимнинг узлуksизлиги ва узвийлигини таъминловчи 12 йиллик таълим муассасаси бўлиб, 9 йиллик мактаб ва 3 йиллик лицейдан иборат.

1-9 синфларда муסיқа йўналишида бошланғич муסיқа сабоқларини олган иқтидорли ёшлар, ушбу таълим муассасасининг ўзида ўқишни давом эттириш, муסיқа сирларини янада чуқурроқ ўрганиш ва ўз қоби-

лятини рўйбга чиқариш имконига эга бўладилар.

Бу ерда ташкил этилган ахборот-ресурс маркази муסיқа ва санъат йўналишидаги 85 мингдан ортиқ адабиёт ва ўқув қўлланмалари, электрон ахборот таълим ресурслари, интернетга уланган компьютерлар билан таъминланган. Компьютер синфлари, лингафон хонаси, физика, кимё ва биология лабораториялари мавжуд. Лицейда 12 йўналиш бўйича муסיқий таълим бериш имконияти яратилган.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдирномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Содир этган жиноятлари учун судланганлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 8-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):
 - а) аёллар;
 - б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
 - в) 60 ёшга тўлган эркеклар;
 - г) чет эл фуқаролари;
2. Эҳтиётсизлик оқсасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.
3. Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, шунингдек, ушбу Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўқсизлик қилмаган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар (жавобгарлиқни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирish жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.
4. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўтмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарлиқни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирish жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.
5. Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалish йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.
6. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм

қилиниб, ушбу Қарор эълон қилинган кунга ўтмай қолган жазо муддати уч йилдан кўп бўлмаган шахслар манзил-колониёга ўтказилсин.

7. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилган барча ишлар тугатилсин.

8. Татбиқ этилмасин:
 - а) ушбу Қарор – узок муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибиде жиноят содир этган; жазони ўташ тартибиде мунтазам равишда бузаётган шахслар; шунингдек, ўлим жазоси афв этиш тартибиде озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахслар;
 - б) ушбу Қарорнинг 1-банди – ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;
 - в) ушбу Қарорнинг 1-4, 6 ва 7-бандлари – тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун судланган шахсларга;
 - г) ушбу Қарорнинг 4-6-бандлари муқаддам амнистия тартибиде жазодан озод бўлган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга.
9. Сенатнинг тегишли қўмита ва комиссиялари ушбу амнистия акти қўлланилиши тартиб-таомилларида жамоатчилик назорати ва очиқ-ошкоралик амалга оширилишида депутатлар корпусининг бевоcита иштирокини таъминласин.
10. Ушбу Қарор амалга оширилиши юзасидан маъсуулик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.
11. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирад ва уч ой мобайнида иккунга этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг раиси
И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 28 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Шу йил 28-29 август кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиса Вазирлар Маҳкамасининг тақлиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлдилар.

Мажлиси Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди. Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан парламент юқори палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги масалани кўриб чиқишдан бошладилар. Ушбу масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Мазкур масалани кўриб чиқиш асосида таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги арафасида қабул қилинаётган амнистия акти инсонпарварликнинг яна бир ёрқин далили бўлиб, унда инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари давлатимизда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ҳамда социал-иқтисодий ислохотларнинг олий қадрияти, мазмун ва моҳиятини ташкил этади.

Амнистия актида ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсларни жазодан озод қилиш назарда тутилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарори билан аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшга тўлган эркеклар, чет давлатларнинг фуқаролари, эҳтиётсизлик оқсасида жиноят содир этган шахсларни (назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда) жазодан озод этиш мўлжалланган, шу билан бир қаторда Сенат Қарориде жазодан озод қилинадиган яна бир неча тоифадаги шахслар назарда тутилган, амнистия акти татбиқ этилмайдиган шахслар доираси ҳам белгилаб қўйилган. Сенат ўз қарори билан амнистия тўғрисидаги қарорнинг қўлланиш тартиб-таомиллари берди, унда амнистия бўйича жазодан озод этиладиган шахсларга доир ишлар ва материалларнинг судлар томонидан кўриб чиқиш тартиб-таомиллари ўрнатилмоқда. Шу билан бирга амнистия актининг қўлланишида жамоатчилик назорати ва очиқ-ошкораликни таъминлаш учун сенаторлар, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари ҳамда Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили минтақавий вакиллариининг фаол иштирок этиши назарда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан хорижий давлатлар раҳбарларидан санимий кутловлар келмоқда.

● Тошкент олий умумқўшин полмондонлик билим юртининг «Чирчиқ» полигониде жорий йилда олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган курсантлар учун кўрғазмали ўқув машғулоти ўтказилди. Мазкур машғулотларда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати олий таълим муассасалари курсантлари иштирок этди.

● Тошкент Фотосуратлар уйида Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон – умумий уйимиз!» мавзудаги фотоқўрғазма очилди.

● Навоий вилояти Хатирчи туманидаги Янгиобод кўрғониде замонавий меъморлик услублари асосида муסיқа ва санъат мактаби барпо этилди. Мактаб қурилишини «Оқ олтин – XXI аср» МЧЖ бинокорлари амалга оширди. Муסיқа ва санъат маскани овоз ёзиш студиялари, 30 га яқин рақс ва ўқиш хоналари, янги анжомлар ҳамда чолғу асбоблари билан жиҳозланди. Бу ерда 60 ўринли ёзги ва қишки томоша заллари ҳам мавжуд.

● «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида Хоразм вилояти умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Таътил-2010» спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

● Фарғона вилоятида паррандачиликни ривожлантиришнинг комплекс дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра жорий йил охиригача товуклар сони 2,7 миллион дондан оширилади. Туманлар ҳудудларида ҳозиргача мустаҳкам озуқа базаси билан таъминланган 45 та ихтисослаштирилган паррандачилик фермалари ташкил этилди. Иштиқболли тармоқни ривожлантириш учун Республика банкларининг маҳаллий филиаллари 168 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

● Қарши давлат университетининг ботаника кафедраси олимлари бутасимон лагерстремия манзарали ўсимлигининг оқ рангли намини яратишди.

● Бухорода Республика «Меҳр нури» жамғармаси, «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси, «Хаёт учун!» кўкрак беши саратони миллий уюшмаси ва бошқа бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан хайрия тадбири ташкил этилди. Тадбирда қатнашаётган Тошкентдаги «Salus Vita» диагностика маркази шифокорлари вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларидан келган 282 нафар аёлни тиббий кўриқдан ўтказдилар. Уларнинг бир қисми пойтахт шифохоналарида даволанишлари учун хайрия жамғармаси маблағи ҳисобидан бепул йўлланмалар берилди.

ЖАҲОНДА

● БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун жаҳон ҳамжамиятини ҳар қандай ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги шартнома кучга киргунга қадар барча турдаги ядро синовларига мораторий эълон қилишга чакирди. Шартноманин кучга кириши учун ядровий муносабатлар соҳаси бўйича ривожланган 44 та мамлакат уни ратификация қилиши лозим.

● Америка ҳарбийларининг Ироқни тарқ этиши муносабати билан мамлакат бош вазири террорчиларга қарши олий даражадаги жанговар тайёргарлик эълон қилди.

● Афғонистоннинг Хост шаҳридаги АКШ ҳарбий базасига ҳужум уюштирган «Толибон» радикал ҳаракатининг 20 нафар жангариси ҳаётдан кўз юмди.

● Покистоннинг Синд музофотидаги Инд дарёсининг иккита дамбани ўпириб тошиб кетиши натижасида яқин атрофдаги юз мингдан ортиқ аҳоли ўз уйлариин тарқ этишга мажбур бўлди.

● Шимолий Кавказда амалга оширилган махсус операция чоғида 30 дан ортиқ жангари йўқ қилинди.

● Хитойда вабо хасталиги пайдо бўлди. Ушбу оғир касалга чалинган 30 дан ортиқ киши шифохоналарга ётқизилди.

● Венесуэлада вертолётнинг ҳалокатга учраши натижасида 10 киши ҳаётдан кўз юмди.

● Мисрда Фазо секторига етказиш учун мўлжалланган иккита яширин қурол-ярроғлар оғирлиги топилди.

● Ҳиндистоннинг EC Media компанияси Harper Collins, Penguin, Roll, Permanent Black каби йирик нашриёт уйлари ва Оксфорд университетини нашриёти билан ҳамкорликда Wink электрон китобини яратди. Ушбу китоб ўзига икки юз минг китоб матнини сиғдиради. Wink экранининг диагонали олти дюймга тенг. У Wi-Fi, GPRS хизматлари ва клавиатура билан таъминланган. 15 тилни «тушунадиган» бу ускуна батареяси ўқувчи ўн минг саҳифани мутлола қилгунгача дош бера олади.

МАҚСАДИМИЗ — ЁШЛАРИМИЗ ҚАЛБИДА БУЮК КЕЛАЖАККА ИНТИЛИБ ЯШАШ ТҮЙҒУСИНИ МУСТАҲКАМЛАШДАН ИБОРАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари бу ерда ўқув жараёнида фойдаланиладиган ноёб мусиқа асбоби — орган ва унинг аҳамиятига алоҳида тўхталди. Юртимизда нафақат миллий мусиқачилик, балки жаҳон мусиқа санъатининг кўплаб йўналишларини чуқур ўрганиш, ўзлаштириш борасида катта ютуқларга эришилмоқда. Санъаткорларимиз, айниқса, ёш ижрочиларимизнинг нуфузли халқаро танлов ва фестивалларда совринли ўринларни кўлга киритаётгани барчамизга гурур бахш этади.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади халқимиз, айниқса, ёшлар қалбида буюк келажакка интилиб яшаш туйғусини мустаҳкамлашдан иборатдир, — деди Президентимиз. — Бу болаларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол шахс, замонавий инсонлар этиб воғла етказишда муҳим аҳамиятга эга.

Юртимизда маданият ва санъат, жумладан, мусиқа ранг-баранглигини таъминлаш доимий эътиборда. Зеро, отабобларимиз асрлар мобайнида миллий санъатимизни тараққий эттириш билан бир қаторда, жаҳон санъатининг илғор намуналарини ижодий ўзлаштирган ва ривожлантирган. Мамлакатимизнинг мусиқий таълим даргоҳларида юртимиз композиторлари қўлидан жаҳон классик композиторлари яратган, дунёдаги барча миллатлар ва халқлар севиб тинглайдиган ажиб куй ва қўшиқлар чуқур ўрганилаётгани ва мунтазам таралаётгани ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди.

Мустақиллик йилларида замонавий ўзбек санъати дунё миқёсида янада юксак обрў ва эътибор топаётганида иқтидорли ёшларимизнинг хизмати каттадир. Истеъдод эгаларининг балоқд парвозида ижодкор ёшларни кўллаб-қувватлаш мамлакатимизда давлат сиёсати айланган муҳим аҳамият касб этади. Кейинги йилларда биргина мажмурият ўқувчилари Франция, Италия, Буюк Британия, Швеция, Греция, Руминия сингари кўплаб давлатларда ўтказилган нуфузли халқаро танлов ва фестивалларда совринли ўринларни кўлга киритаётгани барчамизга гурур бахш этади.

Фарзандларимизнинг жаҳон саҳналарида эришаётган бундай улкан муваффақиятлари барчамизга фахр-ифтихор, гурур бағишлайди, кўнглимизни кўтаради, — деди Ислоҳ Каримов. — Зеро, бу ҳамма халқнинг ҳам, барча миллатлар фарзандларининг ҳам кўлидан келадиган иш эмас. Шундай пайтларда бундан 20 йиллар олдин ўзбек боласининг нуфузли халқаро танловларда иштирок этишини, барчани ҳайрон қолдириб, ҳайратга солишини тасаввур эта олармидик, деган савол ҳаёлимиздан ўтиши шубҳасиз.

Ютуқлар мустақиллигимиз самараси эмасми?! Президентимиз ёш мусиқачиларимизга ҳар доим буюк аждодларимизга муносиб бўлишга интилишлари, буюк халқнинг фарзанди эканликларини чуқур ҳис этган ҳолда қўшага чиқишлари лозимлигини ва бу улар эришадиган муваффақиятларнинг асосий омил бўлишини алоҳида таъкидлади.

Ислоҳ Каримов Тошкентдаги Турин политехника университетига ҳам ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб университет фойёсида «Спарк» — Асакадаги автомобиль заводига 2010 йил август ойида ишлаб чиқарила бошлаган янги русумдаги замонавий энгил автомобилни кўздан кечирди. Ушбу автомобиль 81 от кучига эга бўлиб, 100 километрга 5 литр бензин сарфлайди. Конструкцияси янада пишиқ материаллардан тайёрланган. Ушунинг тегишли тармақларида ташқари ички ва ташқи дизай-

ни билан ҳам аввалги моделлардан кескин фарқ қилади.

Президентимиз Ислоҳ Каримов «Спарк» автомобилига ўз имзосини қолдирди.

Бизга мустақиллик шундай улкан имкониятларни яратиб берди, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Мана шу автомобиллар мисолида биз эзгу ниятларимизнинг ижобатини кўрамиз. Айни



пайтда биз миллий автомобиль санъатимизни ривожлантиришда назарий жиҳатлар билан чекланиб қолмасдан, бу борада амалий ишларга устувор аҳамият беришимиз, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларни замон талаблари даражасида такомиллаштиришга қодир мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор беришимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 апрелдаги қарорига биноан ташкил этилган ушбу олий ўқув юрти 1400 талабага мўлжалланган. Бу ерда машинасозлик технологиялари, автомобилсозлик, санъат ва ҳўжалик қурилиши, архитектура ва санъат дизайни, санъатда ахборот-коммуникация технологиялари ва автоматлаштирилган бошқарув тизими, энергетика факультетлари очилган.

Махсус лабораторияларда талабалар двигател конструкциялари ва технологияларини, деталларни лойиҳалаштиришни, автомобиль йиғишнинг технологик жараёнларини ўрганади. Бевосита ишлаб чиқаришга оид бошқа жараёнлар билан танишади.

Технопарк ҳам талабаларнинг амалий билими, кўникма ва тажрибасини оширишга хизмат қилади. Бу ерда металл қўйиш, унга ишлов бериш, конструкция ва деталларнинг мустаҳкам ва чидамлилигини ўлчаш каби қатор амалиётлар бажарилади.

Ушбу олий ўқув юртида дарслар энгил тилида олиб борилади. Талабаларга ўзбекистонлик ўқитувчилар билан бирга Турин политехника университети таълим беради.

Ўқишдан бўш вақтининг мазмунли ўтказиш учун талабалар спорт мажмуида футбол, баскетбол, волейбол, кураш, самбо, дзюдо, энгил атлетика, сузиш машқлари ва спортнинг қатор бошқа турлари билан шўғулланиш имконига эга.

Университет билан танишув асносида мамлакатимиз раҳбари инфо-киоскка эътибор қаратди. Эълонлар, дарслар жадавали, университет ҳаётига оид янгиликлар билан мана шу электрон қурилма орқали танишиш мумкин. Талабалар унинг ёрдамида кутубхонадан тегишли китобни олиш учун буюртма бериш имкониятига ҳам эга. Унинг дастури университетнинг ўзида ишлаб чиқилгани диққатга қаровордир.

Биз ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш баробарида, компьютер дастурлари ишлаб чиқишни янада кенгроқ ўзлаштириши зарур, — деди Ислоҳ Каримов.

Президентимиз университетдаги ўқув ва амалий таълим жараёнлари билан танишиш, талабаларнинг билим ва тажрибасини янада ошириш юзасидан зарур масlahатлар бериши.

Тошкентда Турин политехника университетининг очилиши эртанги кунимизда, буюк келажагимиз сари қўйилган яна бир муҳим қадамдир, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Бу даргоҳдан автомобильсозликнинг етук мутахассислари, айни пайтда қатор бошқа муҳим соҳаларда ўз касбининг моҳир ustalари бўлган замонавий кадрлар етишиб чиқади. Ўзбекистонда замонавий олий ўқув юрти кўп. Лекин бу даргоҳ рейтинг жиҳатидан Италияда биринчи ва Европада еттинчи ўринда турадиган Турин политехника университети стандартлари бўйича таълим берадиган ўзига хос ягона таълим масканидир.

Мамлакатимиз раҳбари дунёнинг атиги 18 мамлакатда энгил автомобиллар учун двигателлар тайёрлишини, General Motors корпорацияси билан ҳамкорликда юртимизда барпо этилаётган мотор заводи ишга тушиши билан Ўзбекистон ҳам бу давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин олишини таъкидлади.

Туриндаги университет ҳузурида Fiat, GM, Alltalia, Compaq, Ferrari, IBM, Michelin, Microsoft, Motorola, Nokia, Philips, Pirelli, Siemens каби йирик корпорацияларнинг технопарклари мавжуд. Демак, Тошкентдаги университет талабалари уларнинг тажриба ва ишланмалари, ютуқлари билан танишиш имкониятига эга бўлади. Бу нафақат автомобилсозлик, балки санъатнинг юқори технологияли бошқа тармақлари ва даян соҳасида ҳам Ўзбекистоннинг салoҳиятини оширишга хизмат қилади.

Олим ТўРАҚУЛОВ,
Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА мухбирлари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТўҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, жазодан озод этилаётган шахсларнинг иқтисодий қўлиқмаси ва ҳимоясига қаратилган чоралар мажмуини амалга ошириш, уларнинг тўлиқ ҳисобга олинишини ва ишга жойлаштирилишини таъминлаш, ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қаришлар уйларида жойлаштириш, воғла етмаганларни ота-оналарнинг, васийлик ва ҳомийлик органларининг назоратига топириш, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юбориш қўлда тутилмоқда.

Шундан сўнг сенаторлар давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасини янада такомиллаштиришга, иқтисодий-иқтисодий, суд-ҳўқуқ соҳаларидаги демократик ислохотларни чуқурлаштиришга, шунингдек, иқтисодий муаммоларни самарали ҳал қилишга йўналтирилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қўнуларини қўриб чиқишга киришилди. Бундай қўнулар жумласига «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган «Воғла етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳўқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қўнуни кирати.

Ушбу қўнун ҳўжжати болаларни ҳимоя қилишининг норматив-ҳўқуқий базасини янада такомиллаштиришга, воғла етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳўқуқбузарликларнинг профилактикасида амалга ошириш чоралари ва муассасаларнинг, шунингдек, ота-оналарнинг, васийлик ва ҳомийлик органларининг ёш авлод учун масъулиятини оширишга қаратилганлиги таъкидланди.

Қўнуннинг алоҳида нормаларида маданият ва спорт муассасаларининг, туризм соҳаси ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг воғла етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳўқуқбузарликларнинг профилактикасида иштирок этиши тартибга солинмоқда, уларни иқтисодий-ҳўқуқий ва педагогик реабилитация қилиш тартиби белгиланмоқда.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 5 майдаги «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармони асосида ишлаб чиқилган «Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳўжжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қўнуни қўриб чиқилди ва маъқулладилар. Қўнун жиҳсоний ва юридик шахсларнинг ҳўқуқлари ҳамда қўнуий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга даъват этилганлиги кўрсатиб ўтилди. Қўнун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Оила, Солиқ кодексларига ва бир қатор қўнун ҳўжжатларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қўнунига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси номидан давлат нотариал идораларида ишлайдиган нотариуслар томонидан амалга оширилиши тартиби белгиланишини назарда туттади. Бу фуқароларнинг қўнуий ҳўқуқлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга ёрдам беради.

Қўнун, шунингдек, нотариусларга қўйилмаган малака талабларини кучайтиришни, нотариуснинг малакасини мажбурий ошириш тизимини жорий этишни, нотариал идораларнинг ҳўқуқий мақоми ва улар олдида қўйиладиган талабларни белгилашни, фуқароларнинг нотариус олдида киришини таъминлаш чораларини назарда туттади.

суриштирув органларининг хорийий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қўнуни қўриб чиқилди. Бунда сенаторлар ушбу Қўнуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон билан хорийий давлатларнинг ваколатли органлари ўртасида жиноят ишлари, шу жумладан айбланувчиларни ишлаб бериш ва жиний таъқиб қилиш, жиноятлардан жабрланган фуқароларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жабр ҳўқуқий ёрдам бериш борасидаги ҳамкорлигини ҳўқуқий механизмини такомиллаштиришга ёрдам беришини кўрсатиб ўтдилар. Сенаторлар Қўнунни маъқулладилар.

Сенаторлар «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳўжжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қўнуни қўриб чиқилди.

Ушбу Қўнун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган бошқа бир қатор ҳўжжатлар асосида ишлаб чиқилганлиги таъкидланди.

Маъзур ҳўжжатларга мувофиқ илгари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш тизими зиммасида бўлган вазифалар ҳамда пенсия таъминотида доир масалаларнинг бутун мажмуи учун, жумладан пенсиялар, иқтисодий нафақалар, ҳаражатларни қоплаш пуллари ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаш, ҳисобга олиш ҳамда тўланишини мониторинг қилиш учун жавобгар бўлган тегишли тузилмалар, шунингдек, врачлик-меҳнат экспертизаси хизматлари фаолиятини ташкил этиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлиги таркибидан олиниб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бюджетдан ташқари Пенсия жағғармаси ихтиёрига ўтказилган.

Шу муносабат билан сенаторлар томонидан маъқулланган Қўнун билан «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни иқтисодий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги, «Дехон ҳўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қўнуларига ва бошқа бир қатор қўнун ҳўжжатларига ўзгартишлар киритилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги «Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан қичириш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган «Монополияга қарши давлат органи қайта ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳўжжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қўнуни қўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида кўрсатилган Фармонида мувофиқ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қорхоналари уюшмаси ташкил этилган бўлиб, унинг ваколатларига тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш масалалари киритилган. Сўзга чиққан сенаторлар кўрсатиб ўтганларидек, тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш вазифасининг давлат органидан нодавлат ташкилотга ўтказилиши Ўзбеки-

стонда кучли фуқаролик жамятининг шакллантириш борасида катта иш олиб борилаётганининг ёрқин намуналаридан биридир. Шу муносабат билан сенаторлар томонидан маъқулланган Қўнун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, «Истеъмолчиларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қўнулари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексини сингари қўнун ҳўжжатларига тегишли ўзгартишлар киритишни назарда тутмоқда.

Сенаторлар «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қўнунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қўнуни қўриб чиқилди. Сенаторлар томонидан таъкидланганидек, ушбу Қўнун инфосини ва яширин реклама ни амалга ошириш ҳолларини аниқлаш ва уларга чек қўйиш механизмларини такомиллаштириш, давлат ва жамят манфаатларини ҳимоя қилишининг норматив-ҳўқуқий чораларини қучайтириш, реклама материалларини тарқатишда одоб-ахлоқнинг умумэътироф этилган нормаларига риоя қилинишини таъминлашга қаратилган. Чўночки, Қўнунда ташқи рекламани жойлаштириш тартибини бузганлик ва реклама қилиниши қўнун ҳўжжатлари билан тақиқланган товарлар (ишлар, хизматлар) рекламасини тарқатганлик, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя қилмаганлик ёки аксилреклама беришдан бош тортанлик ҳамда бир қатор ҳўқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жавобгарлики қучайтириш назарда тутилмоқда.

Сенаторлар ушбу Қўнуннинг қабул қилиниши баркамол авлод тарбиялаш, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратишга ёрдам беришни таъкидладилар. Сенаторлар Қўнунни маъқулладилар. Шундан сўнг сенаторлар «Пиротехника буюмларини муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳўжжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қўнуни қўриб чиқилди. Ушбу Қўнун пиротехника воситаларини олиб кириш, ишлаб чиқариш, ташин, сақлаш, сотиш устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш, улар қўнунга ҳилоф равишда муомала қилиши ва ишлатилишининг олдини олиш, пиротехника воситаларини намойиш этган ҳолда маданий-томоша тадбирларини ва бошқа тадбирларни ўтказишда ҳавфсизлик чораларини қучайтириш, истеъмолчиларнинг ҳўқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида қабул қилинганлиги таъкидланди.

Қўнун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилаётган қўшимчалар пиротехника буюмларини қўнунга ҳилоф равишда ишлаб чиқарганлик, тайёрлаганлик, сақлаганлик, ташинганлик, жўнатилганлик, улардан фойдаланганлик, худди, шунингдек, уларни қўнунга ҳилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кирганлик (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиққанлик) ёки сотганлик учун ҳўқуқбузарлик буюмларини мусодара қилиш билан бирга жиний ва маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда. Қўнун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Парламент юқори палатасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январда қабул қилинган «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган «Давлат солиқ хизмати органлари тизими янада модернизация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳўжжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қўнуни қўриб чиқилди.

публикаси Қўнунини қўриб чиқилди ва маъқулладилар. Қўнун солиқ маъмуриятчилигининг шакллари, усуллари ва механизмлари, мамлакат солиқ органларининг фаолияти янада такомиллаштирилишини таъминлайди.

Ушбу Қўнун билан хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 38-моддасига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг худудий бўлиmlарини бозорлар, савдо комплекслари худудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида аниқланган молиявий-иқтисодий ҳамда солиқ соҳаларидаги ҳўқуқбузарликларга доир ишлар бўйича суриштирув органлари рўйхатида киритиш билан боғлиқ қўшимча киритилмоқда. «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қўнунига ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Сенаторлар гаров билан боғлиқ ҳўқуқий муносабатларда кредиторларнинг манфаатларини муҳофаза қилишга, шунингдек, қўнун ҳўжжатларининг айрим нормаларини бир-бирига мувофиқлаштиришга қаратилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳўжжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қўнуни қўриб чиқилди.

Гаровга олувчи гаровга қўйилган мол-мулк қийматидан қанотлантиришда бошқа кредиторларга қараганда имтиёзли ҳўқуққа эга бўлишини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва «Суд ҳўжжатлари ва бошқа органлар ҳўжжатларини икроси этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қўнунига тегишли ўзгартишлар киритилди.

«Баҳолаш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳўжжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қўнуни қўриб чиқиш чоғида Қўнуннинг асосий мақсади баҳолаш фаолияти тўғрисидаги амалдаги қўнун ҳўжжатларини такомиллаштириш ва айрим қўнун ҳўжжатларини «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қўнунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қўнунига мослаштиришдан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Киритилаётган ўзгартишлар ягона ҳўқуқий қўлланма амалиётини ўрнатиш мақсадида баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қўнун ҳўжжатларини ўйғунлаштиришни, тегишли ҳўқуқий муносабатларни тартибга солишни ахтирлиги ва тизимлилигига эришишни назарда туттади. Сенаторлар Қўнунни маъқулладилар.

Мажлисда кўн тартибига киритилган бошқа масалалар ҳам муҳожама қилинди.

«Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қўнунига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда жамоатчилик фикрини ҳисобга олиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан киритилган «Тошкент вилоятининг Зағзот туманидан ташқари Қўнунини бирлаштириш ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота, Қўнун туманлари ва Тошкент шаҳрининг Ҳамза тумани худудларини қисман ўзгартириш тўғрисида»ги ва «Фаргона вилояти Охунбобоев туманининг номини ўзгартириш тўғрисида»ги масалаларни қўриб чиқилди.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалаларни қўриб чиқилди.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди.

Икки кўнлик ялпи мажлис мобайнида ўн тўққизта масала, шу жумладан ўн иккита қўнун қўриб чиқилди. Уларнинг амалга оширилиши демократик, иқтисодий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришда, халқ фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон

БИЗ АЗИЗМИЗ
АЗИЗ ВАТАНДА



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири,
Сенат аъзоси



Ер юзи халқлари нишонлайдиган беҳисоб байрамлар бор. Аммо миллат озодлиги, давлат мустақиллиги, Ватан хуррияти ҳақида гап кетса, қолган барча байрамлар бироз орқага чекинади. Ўзинг, миллатинг, давлатинг озод бўлмаган жойда байрамлар кишини яйратмайди, кўнглига сифмайди. Демак, инсон озод ва ҳур бўлган ерда азиз, ўз Ватанида азиз!

нинг оқилона бошқарув сиёсатининг маҳсули эканлиги ҳам бир овоздан эътироф этилмоқда. Демак, эътироф этилган, биз азизимиз, миллатимиз, ўзбек халқи азиз.

Бугунги Тошкент - азим ва гўзал пойтахтимиз ўзининг бутун кўрқу жамоли, салобати, беназир архитектура-раси билан давлатимиз қудратининг тимсолига айланган десак, муболага бўлмас. Зеро, Тошкент шаҳрини ҳар кун айланиб, ҳар кун кўксингда гурурдан тоғ юксалади, кўзингда қувончдан гул очилади. Тошкент файзи чехранга нур сочади.

Аммо ҳеч қайси эзулик ўзидан ўзи содир бўлмайди. Уни тинч осмон остида яратадилар, бунёд этадилар. Нон шаҳри бўлиб юз очган Тошкент бугун меҳру оқибат шаҳрига, кадр-қиммат қасрига, тинчликнинг пойтахтига айланиб бормоқда. Зеро, муҳтарам Ўзбекистонимиз нафақат ўзбекистонда, балки бутун дунёда тинчлик қарор топиши учун ҳамisha куюнчаки қиладилар. Дунё президентларини шунга даъват этадилар. Шунинг учун азим Тошкентимизга тинчлик пойтахти деган улуғлик ярашади.

Саодат аҳлидан садосан,
Тошкент,

Сен юртнинг юзсан,
зиёсан, Тошкент.

Офтоб ардоқлаган қутлуг
бағринга,

Дунёни чорлаган дунёсан,
Тошкент.

Бу дунёда ҳар бир инсон миллати, ирки, тили, динидан катби назар бахти яшагача ҳақи. Айни пайтда инсоний ҳақ-хуқуқи поймол этилмаган одам бахтлилар ичра бахтлидир. Шукрим, мустақиллигимиз ўзбекистонда яшаётган барча миллат, элат вакилларига шу Ватан, шу давлат фуқаролиги бахтиёрлигини ато этди. Бунинг юртида истиқомат қилаётган юзлаб миллат вакиллари бир овоздан тасдиқлашлари аён. Зеро, хурликдан ифтихор, Ватандан ифтихор, шу давлат сиёсатидаги оқилликдан, қонун усту-

ворлигидан, бағрикенгликка асосланган тенгликдан бошланса, ажабмас.

Албатта, ҳар бир ота-она фарзанди саломатлиги, камоли, илму одоби, бахту иқболи ҳақида ўйлайди. Мустақиллигимиз туғайли бу сиёсат умуммиллат, умумдавлат даражасидаги энг улуғ ишга айланган. Ўғил-қизларимизнинг соғлом, ҳур фикрли, оқил, ватанпарвар, фидойи, меҳнатсевар бўлиб ўсиши учун бугун юртимизда амалга оширилаётган улкан ишлар қўламини ҳақдорлик билан давлатларнинг биронтасида йўқ. Янги қурилатган, қайта реконструкция қилинаётган, капитал таъмирланаётган юзлаб мактаблар, яна юзлаб бунёд этилган замонавий лицей, коллежлар, улардаги барча зарур шарт-шароитлар, спорт иншоотлари ёшларимиз йўлига тугилаётган чироқ, қалбида уйғонаётган гурур, энг муҳими, мустақил фикрлаши, давр талаби даражасида илм олиши учун катта имкониятлар. Ана шу яратилган имкониятларнинг илк маҳсули нафақат «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт мусобақаларида голиб бўлган ёшларимиз тимсолида кўринмоқда, қолаверса, Ўзбекистон байроғини турли жаҳонларда дунёда баланд кўтараяётган ўғил-қизларимиз кўксимизни тоғдек юксалтирмоқда. Демак, бу Ватанда инсонни азиз тутмоқ халқимиз ёшларига давлатимиз томонидан кўрсатилган меҳру муҳаббатда, ғамхўрликда намоян бўлмоқда. Баркамол авлод йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури мисолида амалга оширилаётган улкан ишлар фикримизга ёрқин мисол бўла олади.

Биз ота-боболаримизнинг илму ҳикматлари, фан, адабиёт, санъат оламидаги буюк хизматлари билан қанча фахрлансак, айни пайтда заҳматқаш бободехқонларимиз, қўли гул боғборларимиз, фидойи чорвадорларимиз борлигидан, бир сўз билан айтганда, ОНА ЕР билан тиллашадиган меҳнатқаш халқимиз борлигидан яна юз кар-

ра гурурланамиз. Зеро, биз ҳалол меҳнат билан ўз қут-баракасини яратётган халқимиз. Фаллакорларимизнинг 7 миллион тоннадан ошириб галла етиштирилганлиги, пиллакорларимиз зафари фикримизнинг ёрқин далилидир. Саховатли заманимизда етиштирилаётган турли мева, узум, қовун-тарвузларнинг довури бутун дунёга таралган. Буюк бобомиз Бобур Мирзонинг Ҳиндистон тупроғида шоҳ бўла туриб, бир тилим Андижон қовуни соғинганда ҳикмат бор ахир. Бу ОНА Заманимиз ҳикмати, унинг бекторор саховати эмасми... Демак, инсон ўз она заманини азиз тутса, шубҳасиз, она замин ҳам инсондан ўз саховатини аямайди.

Кексаларимиз дуога қўл очсалар, энг аввало элу юртга тинчлик-хотиржамлик тилайдилар. Давлатимиз олиб бораётган оқилона сиёсатида ушбу эзу қадриятларимиз муҳасам. Ўзбекистон давлати, ўзбек халқи бутун дунё халқларининг тинч-осуда, аҳил-иноқ, ҳамфикр, ҳамдам бўлиб яшашларини истайди ва шу йўлда ҳамиша собит туриб курашади. Зеро, тинч ва осойишта, озод ва обод юртдагина яхши озуқадор бўлиш мумкин. Мустақиллигимиз туғайли биз мана шу қутлуг имкониятга эга бўлдик. Энди уни асраб-авайлаш, эл-юрт фаровонлиги, Ватан равнақи, миллат кадр-қиммати учун кураш ўз давлати, ўз юртидан фахру ифтихор қилаётган ҳар бир фуқаросини халқи олдидаги фарзандлик бурчидир.

Ўтган 19 йил мобайнида бу муқаддас Ватанда инсон ҳамиша азизу муқаррам бўлиб келаяпти. Шу боис ҳам Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси қалбида ишонч юз очмоқда. Бу ишонч Ўзбекистон Президентига, унинг оқил ва доно сиёсатида, бу ишонч Ўзбекистон давлатига! Ана шу ишонч, юртга муҳаббат бизни ҳеч қачон тарқ этмасин. Ҳамиша азизу муқаррам бўлайлик.

**Кўнглим билан оловларни кечганман,
Кўрғингиз келмасми, айтинг кўнглимни.**

**Севишганлар самолардан тушмагай,
Шивир-шивир садоларни хушлагай,
Кўнгли билан кўнглимни ким ушлагай,
Кўрғингиз келмасми, айтинг кўнглимни.**

**Мен кўнглимнинг кўчасига гул экдим,
Мен кўнглимнинг меҳробига тиз чўкдим.
Мен кўнглимнинг осмонидан шеър тўқдим,
Кўрғингиз келмасми, айтинг, кўнглимни.**

КЎП

**Бу дунёнинг ташвишларини,
Бизгача ҳам ўйлаганлар кўп.
Бу дунёнинг хуш ишларини,
Бизгача ҳам қуйлаганлар кўп.**

**Жондек майин хур шабодага,
Тонлар тизган шабнам шодага,
Ошиқ ичган гулгун бодага,
Бизгача ҳам тўймаганлар кўп.**

**Дард ҳамиша дармон излаган,
Кимлар кимни дармон излаган.
Балки ерни осмон излаган,
Бизгача ҳам бўйлаганлар кўп.**

**Бу ҳаётнинг тош кўчасида,
Ҳеънатнинг бош кўчасида,
Ғамлар оққан ёш кўчасида,
Дўсту ёрни қийнаганлар кўп.**

**Ҳар кўзуга боқтирмас ҳаёт,
Ёлғон шеърни ёқтирмас ҳаёт,
Асил ҳикмат — абадий баёт,
Бизгача ҳам қуйлаганлар кўп.**

МАНАЛ ШАХ АЛКАДРИ:
ЎЗБЕКИСТОН
ИҚТИСОДИЁТИНИНГ
ИСТИҚБОЛДА ЯНАДА
ЮКСАЛИШИГА
ИШОНАМИЗ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида ЎзА муҳбири Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқуллоҳда ва мухтор элчиси Манал Шах АЛКАДРИ билан суҳбатлашди.

— Элчи жаноблари, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги ривожини қандай баҳолайсиз, ўзаро муносабатларимизнинг истиқболи ҳақида фикрингиз?

— Халқларимиз ўртасидаги асрий алоқалар Ўзбекистон-Ҳиндистон эришгач янгича мазмун касб этиб, мамлакатларимизнинг ўзаро муносабатлари анъанавий дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида изчил ривожланмоқда. Бунда давлатларимиз раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар муҳим асос бўлаётди. 2005 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасида бўлди. 2006 йилнинг апрелида Ҳиндистон Бош вазир Манмохан Сингх Ўзбекистонга ташриф бурди. Алоқаларимизни ривожлантиришнинг янги йўналишлари белгиланган ушбу саммитлар ўзаро муносабатларимизни янада юқори поғонага кўтаришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўлами йилдан-йил кенгайиб бормоқда. Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай шароит, имтиёз ва имкониятлар Ҳиндистонлик ишбилармонларнинг юртингизда ўз бизнесини очиб ва кенгайтиришга қизиқишини тобора ошираётди. Ўзбекистонда Ҳиндистонлик сармоядорлар иштирокида тузилган қўлаб қўша корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантиришда сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан қочқишга оид битимлар, ўзаро савдода амал қилаётган энг қўлайлик яратиш тартиби муҳим омили бўлмоқда.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг қайси йўналишлари устувор аҳамиятга эга, деб ўйлайсиз?

— Ҳиндистон Ўзбекистон билан барча соҳаларда алоқаларни ривожлантириш тарафдори. Сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар йўналишларда ўзаро муносабатларимиз изчил ривожланмоқда. Айниқса, мамлакатларимизнинг иқтисодий ҳамкорлиги янги юксалиш даврини бошдан кечирмоқда. Ўзбекистон замини табиий ресурсларга бой. Ҳиндистон компанияларида мамлакатимиз иқтисодиётига йирик ҳаҷмда сармоя киритишга қизиқиб кучаймоқда. Ҳиндистонлик сармоядорлар Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлигига ва келгусида янада юксалишига ишонди.

Мамлакатларимиз фармацевтика соҳасида, айниқса, фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, дори-дармон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иxtисослашган Ўзбекистон-Ҳиндистон қўша корхоналари ишлаб турибди. Шунингдек, Ўзбекистонда "Dr. Reddy Laboratories" йирик фармацевтика компаниясининг ваколатхонаси очилган.

Ҳиндистон Техник-иқтисодий ҳамкорлик дастури (ИТЕС) доирасида ҳар йили ўзбекистонлик 120 нафар мутахассис мамлакатимизнинг нуфузли олий таълим муассасаларида ўз йўналиши бўйича малака оширади. Булар ахборот технологиялари, сув ресурсларини бошқариш, банк иши, меҳмонхона бизнеси каби соҳалардир. Тошкент ахборот технологиялари университетида Жаваҳарлал Неру номидаги Ўзбекистон-Ҳиндистон ахборот технологиялари маркази фаолият кўрмоқда.

Ҳиндистон Ўзбекистон билан қишлоқ ҳўжалиги, илм-фан ва юқори технологиялар соҳасида сармоявий ҳамкорлиқни янада фаоллаштириш ҳамда келгусида икки томонлама манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тарафдори. Ўзбек олиmlари билан биргаликда илм-фаннинг ривожланиётган тармоқларида, масалан, қуёш энергетикаси соҳасида янги технологияларни ишлаб чиқиш ниятидамиз.

— Ўзбекистонда истиқлол йилларида амалга оширилган илохотлар бераётган самаралар ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик?

— Ўзбекистонда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар таҳсинга лойиқ. Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, барча жаҳонларда, жумладан, сиёсий, иқтисодий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданият ва фан соҳаларида, қишлоқ ҳўжалиги, юқори технологиялар, коммуникациялар, машинасозлик ва сайёҳлик каби қўлаб тармоқларда улкан ўзгаришларни амалга ошириб, катта ютуқларга эришмоқда. Юртингизда бозор муносабатларини қарор топтириш, чет эл сармоясини жалб этиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида олиб борилаётган улкан ишлар хорижий ишбилармонларнинг қизиқишини тобора кўчаттирмоқда.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти тамойиллари кенг жорий этилиб, иқтисодиётни эркинлаштириш, ишлаб чиқаришнинг янги тармоқларини ўзлаштириш, экспортда кўшимча қийматли маҳсулотлар ҳажмини ошириш борасида улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда. Президент Ислам Каримов юритаётган оқилона сиёсатнинг самаралари келгусида янада улкан бўлишига ишонаман.

— Ўзбекистоннинг тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари ва ташаббуслари ҳақида фикрингиз?

— Ҳиндистон Ўзбекистонга Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва ҳавфсизликни таъминлашда муҳим ўрин тутувчи давлат сифатида қарайди. Биз бу борада халқаро ташкилотлар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз.

Мамлакатимиздаги илохотларни қузатар эканман, Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида демократия асосларини мустаҳкамлашга, иқтисодий ва иқтисодий илохотларни ривожлантиришга, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга, халқ фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўлаётиман.

Ўзбекистон ташқи сиёсати негизидан миллий манфаатларнинг устуворлиги, халқаро ҳўқуқий меъёрларга қатъий риоя қилиш, барча муаммоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойиллари мустаҳкам жой олган. Мамлакатимизнинг бу тамойилларга қатъий амал қилиши, дунё миқёсида тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш ҳамда халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари самарасида Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузи тобора юксалмоқда.

Суҳбатимиз якунида Ўзбекистон билан Ҳиндистон келаятган Мустақиллик байрами ҳалқин чин юракдан муборакбод этиб, мамлакатимиз янада раванқ топишини тилаймиз.

Мадина УМАРОВА суҳбатлашди.

ВАТАН

**Товонимни ўпса тупроғи,
Юрагимда майса титроғи
Кўзларимни куйдирам ҳамон,
Онам ёнган ноннинг увоғи.**

**Мен Ватани онамда кўрдим,
Дийдамдаги хуш намда кўрдим.
Жалолиддин Мангубердига
Чекилган мунг, мотамда кўрдим.**

ҲАММАГА ЯХШИ

**Ниятинг хўш бўлса, ижобат бўлса,
Кўнглинг қўлдан тушмас китобат бўлса,
Кўрганинг ҳам бахту саодат бўлса,
Қанийди...**

**Оиланг осмонида ором офтоби,
Дилингда тўлғонса савоб шитоби,
Кимдир савол берса, бўлса жавоби,
Қанийди...**

**Юз йил яшасанг-у, юзлари ёруғ,
Ортингда боққанда излари ёруғ,
Бўлсанг, давраларда сўзлари ёруғ,
Қанийди...**

**Отанг дуосидан дил қониб турса,
Онанг олқийидан қувониб турса,
Боланнинг меҳридан бол томиб турса,
Қанийди...**

**Тополсанг яхши сўз кўнглининг нақши,
Бор гап баёнидир бу Маҳмуд бахши,
Ҳар ким яхши бўлса ҳаммага яхши,
Қанийди...**

ЎЛАН

**Ўлан айтсам айтдим-да,
Дардим бор-да байтимда.**

**Гар куйишни билмасанг
Не бор сенга қатимда?**

**Аччиқ сўзинг армонинг,
Ёндирмайди ёлғонинг.
Ёр ўзингга аёндр,
Тошлар отиб толғонинг.**

**Ҳовва-ҳовва дейсанми,
Берсам ҳовва ейсанми,
Битмазгина жонимни,
Ёр кафтингга қўйсамми?**

**Ошинг пишмас ошмиди,
Кўнглинг шунча тошмиди.
Ваҳ тўқилган дилимни,
Ё кўзларим ёшмиди?**

**Дилдан шундоқ тонар дил,
Гулдан қандоқ тонар дил.
Ошиқлардан сўрангиз,
Қайси рангда қонар дил?**

**Ўлан айтсам айтдим-да,
Дардим бор-да байтимда.
Олам менга офтобдир,
Сени ўйлар пайтимда.**

КЎРГИНГИЗ КЕЛМАСМИ

**Кўнглим дарёсида сел бўлиб оқдим,
Кўнглим самосида чақмоқлар чақдим.
Кўнгли кўзи билан дунёга боқдим,
Кўрғингиз келмасми, айтинг, кўнглимни.**

**Тошни ёриб чиққан ям-яшил майса,
Тонлар жамолани шабнамга чайса,
Олам офтобларни ошиқ кўпайса,
Кўрғингиз келмасми, айтинг кўнглимни.**

**Булутларнинг булоғидан ичганман,
Тиконларни тилларидан қучганман.**

ТОШКЕНТ РАДИО ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ УЗАТИШ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

Юрдошларимизни азизу мукаррам байрамимиз —
мамлакатимиз истиқолининг 19 йиллиги билан муборакбод этади.

Мустақиллик шодёнлари гўзал дёнримизнинг
ҳар бир гўшасини нурга тўлдирсин.
Истиқолимизга кўз тегмасин.
Осмонимиз мусаффо, заминимиз тинч,
юртимиз обод ва фаровон бўлсин.

Барчангизга дил нуралшонлиги, кўнгли осойишталиги,
дил бахтиёрлигини тилаб қоламиз.

АЗИЗ ЮРДОШЛАР, АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗ АҲЛИ!

Обод дёнримизга файз-барака ила кириб келаётган
Мустақиллик байрами барчангизга муборак бўлсин.
Оилавий бахт-саодат, мустаҳкам сихат-саломатлик
сизларни асло тарк этмасин.

*Мустақил Ватанимизнинг
гўлаб-яшнаши йўлидаги
эзгу ишларингизда ҳаллима
омад ёр бўлсин.*

«Консаудинформ агентлиги» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

«7-АВТОКОРХОНА»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ ЖАМОАСИ

*Қадрли юрдошлари мизни
миллақати мизнинг шонли байрами
— Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги
билан салимий қутлайди.*

Истиқлол шукуҳи ҳукмрон
бўлган қутлуғ кунларда
қалбларингиздаги энг улуг
ниятларингиз ижобат бўлсин.

**Осмонимиз ҳам, кўнглимиз ҳам
мусаффо бўлиб, ишларимиз ўнгидан келсин!**



БАРЧА ЮРДОШЛАРИМИЗ, ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗНИ

Энг улуг, энг азиз байрамимиз —

Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги

билан кин иракдан муборакбод этамиз.
Мамлакатимизни обод, халқимизни фаровон этиш
йўлидаги саролиятингизда зафарлар ёр бўлсин!

*Ўзбекистон Республикаси Қиро. сураи ва овозли ҳужжатлар
марказий давлат архиви жамоаси*

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Мустақиллигимизнинг 19 йиллик байрами
билан барчангизни самимий муборакбод этамиз.
Хонадонингизга қут-барака, оилавий тинчлик-
хотиржамлик тилаймиз.

Энг эзгу орзу-умидларингиз қутлуғ байрам
кунлари ушалсин, азизлар!

**«Тошбозортайёрловсавдо»
уюшмаси жамоаси**



ҚАДРАИ ҲАМШАҲАРАЛАР, ПОЙТАХТИМИЗ ЁШЛАРИ!

*Юртимизга файзу барака билан кириб келаётган
Энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги
барчангизга муборак бўлсин. Баркамол авлод йилида эзгу орзу
умидларингиз ушалишига тилакдошимиз. Ватанимизнинг буюк
келажagini таъминлаш йўлидаги
саъй-ҳаракатларингизда омад ёр бўлсин!*

**«Камолот»
ёшлар ижтимоий
ҳаракати
Юнусобод туман
бўлими кенгаши**




ҒАҒУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ

МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ ЖАМОАСИ

*бағри кенг, саховатли халқимизни
ҳамда пойтахтимиз меҳмонларини
Энг улуғ ва энг азиз айём —
Истиқлолимизнинг 19 йиллик шодиёнаси билан
чин дилдан муборакбод этади.*

Она диёримизга ҳурлик, овозлик, нурли истиқбол, халқимизга тинчлик-омонлик, тўкинлик ва фаровонлик баҳшида этган Мустақиллик байрами барчамизга қутлуг бўлсин!

Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлиб, хонадонларимиз файзу баракотга тўлсин. Истиқлол қуёши юрнимиз узра абадий нур сочсин.



**Кўнгили ва мароқли дам олишни
истасангиз, боғимизга марҳамат!**

**«ЭЛИКСИР ҒАНО» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИАТИ ЖАМОАСИ**

азиз Ватандошларимизни

Мустақиллигимизнинг 19 йиллик



**шодиёналари билан қутлайди.
Баркамол авлод йилида ўғил-қизларимизнинг катта
ҳаёт йўлига қўяётган қадамларининг омадли
бўлишини тилаймиз.**

**Бунёдкор халқимизга Ватанимизни
юксалтириш йўлидаги ишларида ҳақиқат
туьвасфракият ёр бўлсин!**



**ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР,
ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!**

*Зар тўнроғи беқиёс бойликларга
кон, жаннатмонанд юртимизда
катта тантана билан
нишонланаётган
Энг улуғ ва азиз байрам —
Мустақиллигимизнинг 19 йиллик
шодиёнаси билан самимий
муборакбод этамиз!*

Ишларингизда омад, сиҳат-саломатлик, ҳаётингиз беқиёс
меҳрега тўлишини, йўлларингиз ҳақиқат бехатар ва рабон
бўлишини тилаймиз.

**«12-АВТОБУС САРОЙИ»
ОЧИҚ АКЦИАДОРЛИК ЖАМИАТИ ЖАМОАСИ**


Эланиз дастурхонани тўкин қилишга ҳисса қўшаётган тадбиркорлар,
энг улуғ байрамни шодийоналик билан кутиб олаётган азиз юртошлар!

«ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИНИНГ
КЎРГАЗМА-ЯРМАРКА САВДОСИ
РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ» ЁАЖ ЖАМОАСИ

Сизларни ютуқ ва зафарларга тўлиқ ҳолда кириб келаётган Мустақиллик,
байрамнинг 19 йиллиги билан самимий муборакбод этади.

Ҳаётимиз бундан-да нуррашон, осмонимиз мусофиро, дастурхонларимиз
тўкин бўлсин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР
ПЛАНИАТНИ МУҲОРАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТЕСИ ЖАМОАСИ



барча юртошларимизни,
мамлакатимиз атроф-
муҳити мусаффолигини
таъминлаш йўлида тер
тўкаётган соҳа
ходимларини

Истиқлолимизнинг 19 йиллик шодийоналари
билан самимий кутлайди.

Дилларингиз шод, хонадонларингиз обод
бўлсин. Мустақиллик кўёши юртимиз узра
абдий нур сочаверсин!



АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

«Тошкентгазтаъминот» унитар корхонаси
«Тошкентшаҳаргаз» филиали

барчангизни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 19 йиллик байрами билан
чин дилдан муборакбод этади!

Сизларга сўхат-саломатлик, хонадонингизга тинчлик-тотувлик, қут-барака,
бахт-саодат, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги фаолиятингизда янгидан-янги
муваффақиятлар тилаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, қуйидагиларни эслатиб ўтаемиз:

— газ асбобларининг беҳуда ишлаб туришига йўл қўйманг
ва қаровсиз қолдирманг;

— газ асбобларини ўрнатиш ва таъмирлаш ишларини
бажаришда тумангаз мутахассислари хизматидан
фойдаланинг;

— агарда газ ҳидини сезиб қолсангиз, дарҳол тумангаз
авария диспетчерлик хизматига ёки «Тошкентшаҳаргаз»
марказий авария диспетчерлик хизматига (04; 255-44-27,
255-44-29, 253-56-19, 253-56-31) мурожаат қилинг.

Шуни эсдан чиқармангки, табиий газдан оқилона
фойдаланиш ва сарфланган газ ҳақини ўз вақтида тўлаш —
шаҳримиз газ қувурлари ва ускуналарини вақтида
таъмирлашга имконият яратади.

«Тошкентшаҳаргаз» филиали маъмурияти



«3-АВТОБУС САРОЙИ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ ЖАМОАСИ

муқтарам юртошларимизни ҳамма шаҳримиз жамоат-транспорти
равожига ҳисса қўшаётган қарагон ҳамкасбларини шукҳула-айём —

Мустақиллик байрами билан табриклайди.

Мамлакатимизда тинчлик ва

мустақиллик абдий нур сочаверсин!

Йўлларимиз ойдин ва равои,

дилларимиз нуррашон бўлсин!



ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДАСТУРХОНИГА

Юртимиз мустақиллигининг
19 йиллиги олдидан пойтахтимизнинг
барча туманларида деҳқонлар
томонидан етиштирилган полиз, мева,
сабзавот, гуруч ва гўшт маҳсулотлари
ярмаркалари ўтказилиши анъанага
айланган.

Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигининг ташаббуси
билан Сирдарё вилоятининг Боёвут, Сирдарё, Сай-
хунобод, Мирзаобод туманлари фермер ва тадбир-
корларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмар-
каси Чилонзор Оқтепа майдончасида ташкил этил-
ди. Сирдарё туманидаги «Тинибек бобо», «Шоли-
кор» ширкатидаги «Анварбек Суннат» фермер хўжа-
лиги, Сайхунобод туманидаги «Ўзбекистон» деҳқон
фермер уюшмасининг Рустам Пардаев, Анвар Тур-
диев каби фермерлари томонидан 500 тоннага яқин
ковун, тарвуз, помидор, бодринг каби сабзавот-
лар, олма, узум, шафтоли, гуруч, Мирзаобод туман-
ни тадбиркори Абдурахим Арзиқуловнинг гўшт сав-
досидан Олим Хўжаев номли, «Новза», «Чўпонота»
маҳаллалари ва Оқтепа мавзеси фуқаролари мин-
натдор бўлмоқда.

И. ДИЛШОДОВ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва
«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқар-
и хар куни соат 9.00 дан 16.00 гача
қабул қилинади. Маълумотлар учун те-
лефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-
56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси,
32-уй, 2-қават, 208-хона.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ»

**очиқ акциядорлик
жамияти жамоаси барча
юртдошларимизни ва соҳа
ходимларини**



ВАТАНИМИЗ

**МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
19 ЙИЛЛИК ҚУТЛУҒ БАЙРАМИ
БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД
ЭТАДИ.**

**БАРЧАГА СОҒЛИҚ-
САЛОМАТЛИК, ТИНЧЛИК-
ТОТУВЛИК, ЮРТИМИЗ
ОСМОНИНИНГ ҲАМИША МУСАФФО
БЎЛИШINI ТИЛАЙМИЗ.**



ИСТИҚЛОЛИНГ МУБОРАК БЎЛСИН,

МУҚАТТАС ЮРТИМ!



Ибрatли тажрибалар

ТЕЖАМКОРЛИК ЙЎЛИДАГИ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ

**Кейинги пайтларда
«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси
томонидан барча тузилма вакиллари
иштирокида такомиллаштириш фаолияти ва
эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш юзасидан
тажрибаларни оммалаштириш, бу борадаги
илғор иш усулларини ҳаётга татбиқ этиш
бўйича тадбирлар ўтказиш хайрли анъана
тусига кирди.**

Шаҳар транспорти тармоғининг илғор, янгиликка интилувчан ишчи-ходимлари, такомиллаштирувчи-рационализаторлари — ҳар бир жамоанинг фаоллик мезони ҳисобланади. Улар ишда янгилик яратишга, ўзларининг бор куч-ғайрати, имконияти ва қобилиятини ишга солиб, давлат маблағини тежашга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Ихтирочилар ва такомиллаштирувчиларнинг бу йилги навбатдаги тадбири Мустақиллигимизнинг қутлуғ 19 йиллик шодиёналари арафасида ўтказилганлиги сабабли автокорхоналарнинг стендлардан ўрин олган ибрatли иш тажрибалари ва ютуқлари ҳар доимгидан кўра салмоқли кўринди.

— Бугунги кунда «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси корхоналарининг ташаббускор ходимлари пойтахт транспорти инфратузилмаси ривожига ўз муносиб ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилмоқда, — деди «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси раиси Шомурод Мухамеджанов. — Ҳар хил турдаги автотранспорт воситаларида фойдаланиладиган эҳтиёт қисмлар, агрегатларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган илғор технологияларни ҳаётга татбиқ этиш жараёни барча корхона-

ларда қизғин давом этмоқда. Бу ишлар шаҳар жамоат транспорти ҳолатини талаб даражасида сақлаб туриш, валютага четдан эҳтиёт қисмлар келтирилишини камайтириш мақсадида амалга оширилмоқда. Мухтасар қилиб айтганда, метрополитенда, деполарда, автокорхоналарда эҳтиёт қисмлар, ускуна ва агрегатларнинг янги турларини ишлаб чиқариш, қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича сезиларли ишлар бажарилмоқда.

Уюшманинг деярли барча тузилмавий бўлимларида ўз ишлаб чиқариш-таъмирлаш участкалари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, керакли бутловчи қисмлар тайёрланмоқда ёки қайта тикланмоқда. Бундан ташқари, бу борада бошқа корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда кооперация ишлари йўлга қўйилмоқда.

Айрим натижаларга назар ташласак, амалга оширилаётган ишлар ойдинлашади. Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида уюшма бўйича 53 турдаги 44,1 миллион сўмлик импорт ўрнини босувчи эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилди ва 27,6 минг АҚШ доллари тежаб қолинди. Жумладан, метрополитеннинг тадбиркор ходимла-

ри томонидан импорт ўрнини босувчи 19 турдаги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилди.

Ҳар йили корхоналарда янги техника ва технологияларни жорий этиш бўйича тадбирлар йўлга қўйилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилади. Бу борада «Тошавтобустрас» акциядорлик компаниясида 319,9 миллион сўм, «Тошэлектротранс»да — 16,3 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Бу саъй-ҳаракатлар ишчиларнинг меҳнат иш шaroитини яхшилаш, қўл ишларини механизациялашга қаратилгандир.

Жорий йил мобайнида уюшма техник хизмат бўлими мутахассислари ва корхоналар раҳбарлари томонидан ижодий такомиллаштириш ишини ташкил этиш ва яхшилашга муҳим эътибор қаратилмоқда ва энг асосийси такомиллаштирувчиларга керакли тақлифларни татбиқ қилишда амалий ёрдам кўрсатилмаётди. Бунинг самараси ўлароқ 2010 йилнинг олти ойида уюшма корхоналарида 262 та такомиллаштириш тақлифлари киритилди ва ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Иқтисодий самарадорлик 176,7 миллион сўмни ташкил қилди. Тошметрополитен, «Мерседес Бенц» СХКМ, иккита трамвай депоси, 3,4, 12-автобус саройларида энг самарали такомиллаштириш фаолияти йўлга қўйилди.

Тадбирда такомиллаштирувчилар олдида яқин фурсатларда йўловчилар ташишда фойдаланилаётган «Исузу» ва «Мерседес-Бенц Лов Флор» автобусларига бир қатор эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш вазифаси қўйилди.

Тадбир сўнггида ихтиро қилиш ва такомиллаштириш ишларига салмоқли ҳисса қўшган «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси тузилмавий бўлимлари мутахассислари ёрлик ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Дилшод ИСРОИЛОВ

«SARAY – PLASTIC» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

бағрикенглик, тинчликсеварлик, Ватанпарварлик, ҳурлик тимсоли бўлган Ватанимиз

Мустақиллигининг 19 йиллик

муборак тўйи билан юртдошларимизни чин дилдан табриклайди.



Халқимизга озодлик келтирган Истиқлол барчамизга муборак бўлсин.



SARAY-PLASTIC

МУСТАҚИЛ АИЁРИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ МУСАФФО,

ЭЛИМИЗНИНГ БАХТИ-ИҚБОЛИ ЗИЁАА БЎЛАВЕРСИН!

«МАҲЛИЁ ШИФО»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Энг улуг, энг азиз
байрам —

Мустақиллигимизнинг
19 йиллиги билан барча
ҳамшаҳарларимизни,
ҳаётини эл
саломатлигига
бағишлаган қўли энгил
шифокору
ҳамшираларни, бутун
соҳа заҳматкашларини
самимий қутлайди.




Мустақил юртимизнинг янада обод бўлиши,
гуллаб-яшнаши йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда
доимо омад ёр бўлсин!

«ЮНУСОБОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Азиз ҳамшаҳарларимизни серқуёш диёримиз
Истиқлолининг 19 йиллиги билан чин қалбдан муборакбод
этади.

Мустақиллигимиз барқарор, осмонимиз мусаффо,
юртимиз тинч бўлсин. Ҳар бир хонадонни фаровонлик,
осойишталик, қут-барака тарк этмасин.





Гўзал юртимизнинг келажаги порлоқ фарзандлари



**МАШРИҚЗАМИН —
ҲИКМАТ БЎСТОНИ**
**АСРЛАРНИ БЎЙЛАГАН
ҲИКМАТЛАР**

Биз Алишер Навоийни мутафаккир шоир деб улуғлаймиз. Мутафаккир сўзининг маъноси тафаккур соҳиби, кенг ва чуқур фалсафий мушоҳада юритиш истеъдодига эга бўлган киши дегани. Бу иш ҳар қандай иқтидорли қалам аҳлининг ҳам қўлидан келавермайди. Шунинг учун ҳам дунёда шоиру ёзувчи кўп ўтган бўлсада, улардан жуда оз қисмигина бу шарафли номга лойиқ кўрилган.

Мутафаккир адиб, биринчидан, чуқур билим, кенг дунёқараш, катта ҳаётий тажрибага эга бўлиши, иккинчидан, ҳаёт, инсон ва умрнинг маъно-мазмунини, эзгулик ва ёвузлик, муҳаббат ва нафрат, ҳалол ва ҳаром, фано ва бақо, нафосат ва қабоҳат, дўстлик ва душманлик, диёнат ва хиёнат каби азалий ва абадий тушунчаларнинг моҳиятини теран англаб етиши ва фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қила олиши, учинчидан, фикр-мулоҳазаларини турли бадийий таъсир воситалари ёрдамида аниқ, лўнда ва таъсирчан ифодалаш маҳоратини эгаллаши керак. Бу эса ҳар юз иходкордан биттасига насиб этадиган буюк мақом.

Алишер Навоий асарлари, яхлит олганда, ҳаёт қомусига ўхшайди. Чунки бирор-бир ҳаётий масала, инсонга хос қадрият ва туйғулар, фазилат ва иллатлар йўқки, у қаламга олмаган бўлса! «Шоирнинг ҳикматлари на замону замин, на маърабу дин ва на ижтимоий тузуму сиёсий туркум жиҳатидан чекланган». Айтилик, ота-онанинг фарзанд ҳаётидаги ўрни ва фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи ҳақида шундай ёзади:

**Бошни фидо айла ато қошига,
Жисмини қил садқа ано бошига.
Тун-кунунга айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин куён.**

Мазмуни: «Отаннинг қошига бошингни фидо, онангнинг бошига жисмингни садқа қил. Бирини тунингни ёритадиган ой, иккинчисини кунингни чароғон этадиган куён деб бил».

Ота-онанинг фарзанд ҳаётида тутган ўрнини ҳеч ким бундан ортиқ таърифлаб беролмас керак: дунё учун ой билан куён қанчалик аҳамиятга эга бўлса, фарзанд учун ота-она ҳам шунчалик қимматга эга! Чиндан ҳам, ой туйғулар тун, куён сабабли кун ёруғ бўлганидек, ота фарзанд ҳаётининг тунини ёритса, она кунини нурга тўлдиради. Улардан бири бўлмаса, кеча-кундузнинг ярми ёруғ бўлса, ярми қоронғидай туюлади, чунки етим кўнгилнинг бир чеккаси ёришмай тураверади-да.

Устоз ва шогирд муносабатлари хусусида фикр юритар экан, «Ҳақ йўлида кимки машаққат чекиб, сенга биргина ҳарф ўргатган бўлса, юз хазина бойлик билан ҳам унинг ҳақини адо этолмайсан», дейди:

**Ҳақ йўлида ким сенга бир
харф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин
юз ганж ила.**

Бу — устоз ва шогирдининг ўзаро муносабати тўғрисидаги шоирнинг фалсафий хулосаси. Дарҳақиқат, устознинг мақоми буюк — уни ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмаганидек, устоз олдидаги шогирдлик қарзини ҳам икки дунёда узиб бўлмайди. Устоз отангдан улуг, деган мақол бежиз айтилмаган. Бир донишманддан бунинг маъносини сўраганларида: «Чунки отам мени кўкдан ерга туширган бўлса, устоз ердан яна кўкка кўтарди», — деб жавоб берган экан.

Ёшларга қарата эса шундай дейди:
**Йигитликда йиғ илмнинг маҳзани,
Қарлик чоғи сарф қилгил ани.**

Аввало, ёшликда эгалланган билим тошга ўйилган нақш каби мустаҳкам бўлиши маълум. Қолаверса, кейин ҳаёт ташвишларига кўмилиб, илм эгаллашга фурсат ҳам, имкон ҳам қолмайди. Бора-бора, халқ таъбири билан айтганда, «хотира ҳам айтгани қилмайди».

Мутафаккир шоир инсонлик моҳиятини унинг ижтимоий фаолиятида — жамиятда фойдали касб билан шуғулланиши, халққа манфаати тегиши, одамларнинг оғирини енгил қилишида деб билади.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Юртимизнинг ҳар бир гўшасида байрам шукуҳи. Кўнгилларимиз қувончга тўла. Ободлик, гўзалликдан кўз қувнайди. Шундай улуг айём кунларида халқимизнинг азалий бир эзгу одати яққол намодён бўлаётир. Элимизнинг пиру бадавлат, табаррук инсонларни йўқлаиб, уларнинг олтинга тенг дуолари олинаётир. Бу дегани эртамининг фарахбахш кунларига тинчлик-хотиржамлик билан қадам қўйилади.

Бугун мана шундай байрам нашидасидан баҳраманд ҳолда 102 ёшни қаршилаган Дехқон Са Гўлматов ҳам қўлини дуога очиб, элу юртимиз омонлиги, риёку рўзимизнинг бутунлиги, тинчлик-омонлик учун шукроналар келтирди.

Шайхонтоҳур туманидаги «Шофайзи» маҳалласида истиқомат қилувчи нуруний отахонимиз Мустақиллигимизнинг 19 йиллик байрами муносабати билан юртимизда ҳаётнинг аччиқ-чучуғини тотиб, табаррук юз ёшдан ошган инсонлар қаторида Президентимиз Фармонига биноан «Шухрат» медал билан тақдирланди.

Биз отахонни ушбу юксак мукофот билан муборакбод этгани шовилдик ва хонадонларига бориб, шодликларига шерик бўлдик. Юзу кўзларидан нур ёғилиб турган, табаррук ёшларида ҳам ўзлари чاقқонлик билан юриб, барчани кучок очиб

**Пиру бадавлатларимиз
ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШИБ**



кутиб олаётган, қўллари дуода бўлаётган Дехқон ота билан суҳбатимиз марокли кечди. «Отахон, айни дамда кўнглингиздан нималар кечяпти», деб сўраганимизда, ҳаётнинг пасту баландини кўрган нуруний самимийлик билан сўзладилар:

— Мустақиллик... Асрлар давомида аждодларимиз орзу қилган, озодлик учун жонини фидо этган юртдошларимиз кўра олмаган до-риломон кунлар бизга насиб этди. Юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон. Бунинг

учун авваломбор Юртбошимизга миннатдорлик билдириб, шукрона келтираимиз. Мен Иккинчи жаҳон урушининг қирғинбарот жангоҳларида бўлиб, омон қайтдим. Фарзандларимизнинг онаси билан уч ўғил ва тўрт қизни вояга етказиб, оилани, уй-жойли бўлишлари, ҳалол меҳнат қилиб, обрў-эътиборли, эл қорига ярайдиган инсонлар қаторидан ўрин олишларига ҳаракат қилдик. Ҳозирда 38 набираю 50 дан ортиқ эваранинг буваси бўлиб, уларнинг ардоғида

ўзгаришларни кўриб, ҳайратланаман. Ҳастимом ва Шаҳидлар хотираси мажмуалари, Мустақиллик майдонида бўлганимизда, кўзларимизда секинча ёшлар келади, юртимиз, пойтахтимиз меймор-ижодкорига тасаннолар айтаман...

— Отахоннинг оилаларига ҳаммамиз ҳавас қиламиз, — дея суҳбатимизга қўшилди «Шофайзи» маҳалласи оксоқоли Раҳматилла Турсунов. — Илмга, ҳалол меҳнатга интилган фарзандлар, аъло ўқиши ва хулқи билан кўпчи-

ликка ўрнак бўлиб, ота-оналари изидан бораётган набиралар билан фахрланса арзийди. Яқин-яқингача Дехқон ота маҳалла фаоли, Фўқаролар йиғини маслаҳатчиси сифатида ҳар бир оилга кириб борар, хонадонларда тинчлик-тотувлик сақла-нишига муносиб ҳисса қўшардилар. Бугунги кунда уларнинг панду насиҳатлари билан кўплаб оилалар мустаҳкам ҳаёт кечираётир.

— Отамиз бизнинг бахтимиз, тахтимиз, дуоғўйимиз, оиламизнинг файзи-таровати, — дейди катта ўғил Собитжон. — Улар борки, ишимизда унум бор, фарзандларимиз одобли, келинларимиз ибодли, набираларимиз эса хунар эгаллашга интилган. Бобосининг панд-насиҳатлари уларни тўғри йўлга бошлайди. Инсон умр бўйи ўқиш ва ўрганишдан чарчамаслиги керак экан. Отамиздаги ғайрат-шижоат бизни ҳам доимо олдинга бошлайди.

Табаррук отахонга Президентимиз номидан юксак мукофотни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев топширди. Аср билан юзлашган отахон қўлларини дуога очиб, юртимизга тинчлик, дастурхонларимизга барака, эзгу ишларимизга бардавломлик, Юртбошимизга узок умр тиладилар.

Пиру бадавлат инсонларнинг дуолари ҳаммиша ижобат бўлади. Шундай кутлуг ёш барчамизга насиб этсин.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТДА: Дехқон ота Гўлматов набиралари даврасида
Козим Ўлмасов олган сурат

Спорт янгиликлари

АЙЁМГА МУНОСИБ ТУҲФА

Кейинги йилларда бошқа спорт турлари қатори футбол ҳам жадаллик билан ривожланмоқда. Буни футбол бўйича ташкиллаштирилган Осиё чемпионатидаги Ўзбекистон терма жамоасининг муваффақияти ҳам яққол исботлаб турибди.

Ўсмирлар ва болалар ўртасида футболни оммалаштириш давр таби эканлигини англаган «Ардус» профессионал футбол клуби раҳбарияти хайри ишга қўл урди. Мамлакатимизда профессионал футболчиларни тайёрлаш мақсадида ушбу клуб қошида биринчи махсус ихтисослашган мактаб ўз фаолиятини бошлади.

Шу муносабат билан юртимиз Истиклолнинг 19 йиллик байрамига муносабат совға сифатида «Ўзбекистон» спорт мажмуасида

маросим бўлиб ўтди. Қувонарлиси, ушбу илм масканида илк «қалдирғочлар» дастлабки сабоқлар олишни бошлади.

ҲАМИЮРТЛАРИМИЗ — ХАЛҚАРО ТУРНИР ҲОЛИБИ

Бирлашган Араб Амирликлари пойтахти Абу Даби шаҳрида мини-футбол бўйича халқаро турнир ўтказилди.

Ушбу нуфузли турнирда иштирок этган Ўзбекистон аёллар терма жамоаси аъзолари Тошкентга ёруғ юз билан қайтди.

Олтита аёллар терма жамоалари икки гуруҳга бўлинган ҳолда уюштирилган ушбу турнир учрашувлари муросасиз курашларга бой кечди. «А» гуруҳида ҳамюртларимиз голиблик учун «Абу Даби-1» (Миср) клубига қарши кураш олиб бориб, мағлубиятга учраган бўлсада, араблардан 1:0 ҳисобида устун келиб, ярим финалга йўлланма олди. Ярим финалда жа-зоирликлар 3:1 ҳисобида мағлуб этилган бўлса, финалда яна Миср

терма жамоаси билан бош соврин учун беллашган ўзбекистонликларга омад қилиб боқди. Учрашувда устунлиқни ўз қўлига ола билган терма жамоамиз 3:1 ҳисобида галаба қозонди.

ЖЕПАРОВНИНГ ҲИССАСИ КАТТА

«Бунёдкор» жамоаси сардори, Ўзбекистон миллий терма жамоасининг моҳир ярим ҳимоячиси Сервер Жепаровнинг айни кунларда Жанубий Кореянинг «Сеул» жамоасида тўп сураётганлигидан мухлисларнинг хабари бор, албатта.

Маълумки, Жепаров «Пахтакор» ва «Бунёдкор» жамоалари таркибида бир неча марта Ўзбекистон Кубогини қўлга киритган. Кун кеча Жепаровнинг янги жамоаси «Сеул» Жанубий Корея «К» лигаси кубогини ҳам қўлга киритди. Финалда «Чжонбук Хёнде Моторс» клуби билан куч сынашган «Сеул» ажайиб ўйин намойиш этиб, тўлиқ устунликка эришди ва 3:0 ҳисоби-

да галаба қозонди. Дарвозага киритилган учта голнинг иккитаси айнан Жепаровнинг жамоадошига аниқ тўп узатишидан сўнг рўй берди.

Шундай қилиб, Жепаров қўлга киритган совринлари яна биттага кўпайди.

ҲАКАМЛАР МАЛАКА ОШИРДИ

Шаҳримизда футбол бўйича ҳакамлар учун махсус ўқув курси уюштирилди.

Унда 20 нафар мини-футбол реферилари иштирок этди. Мини-футбол бўйича учрашувларда ҳакамлик услублари, ўйин қоидаларини ўрганиш ва такрорлаш, юзага келадиган баҳсли вазиятларда ягона қоидалар талқин этишга эришиш ушбу курснинг асосий мақсади бўлди. Тадбир сўнгида футбол бўйича рефериллик қилишга даъвогар бўлганлар амалий ва назарий синовлардан ўтди. Бу каби ўқув машғулоти Ўзбекистон чемпионати ва халқаро турнирларда учрашувларни имкон қадар беҳато бошқариш имконини беради.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ



Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ
Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2765 нускада босилади.
Қоғоз ёғини А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таърифи компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси бошмах.ас. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
123 5